



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 24 май,
№42 (1009)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Латвия Президентининг Ўзбекистонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 2014 йил 27-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва

уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Латвия ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

СЕМИНАР

Ижтимоий ҳимоя аниқ манзилли ва мақсадли бўлмоғи зарур

Мамлакатимизда истиқлол йилларида адолат ва тенглик тамойиллари асосида кучли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилди. Кўп болали, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, ногирон ва бokuвчисини йўқотганларга ижтимоий ёрдам бериш маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали амалга ошириляётгани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бўлган ишончининг амалдаги ифодасидир.



Б. Саидов ШОТЛАГАНОВ олган сурат.

■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Ўтган йиллар давомидаги амалиёт ва тажрибалар таҳлили аҳолининг турли қатламларида қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашиб, ялпи ижтимоий ҳимоя тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида ўтиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Шу боис давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан аҳолининг эҳтиёжидан қатламларини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида юртимизда ижтимоий адолат тамойиллари қарор топаётгани Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Аҳолини мақсадли ҳамда манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш: амалиёт, муаммо ва ечимлар» мавзусида ташкил этилган семинарда алоҳида қайд этилди.

Тадбирда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жағғармаси масъул ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда Фонднинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти бўлими бошқарувлари мутасаддилари, нодавлат нотижорат ташкилотлари

вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги фаол иштирокини таъминлаш, маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ҳамда аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя марказига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган ислохотларнинг кучли ижтимоий йўналтирилгани натижаси ўларок, мамлакатимизда ҳар йили ўрта ҳисобда бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун 100 мингта иш ўрни захираси шакллантирилмоқда. Меҳнатга лояқати бўлмаган фуқаролар ижтимоий муҳофазасига олиниб, 20 мингта яқин фуқаро 50 дан ортиқ касбга қайта ўқитилмоқда, бир миллион нафардан зиёд фуқарога ижтимоий нафақалар тайинланмоқда. Соҳават ва Муруват уйларидаги ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар тўлиқ давлат таъминотида олиниб, уларга тиббий, ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатилмоқда. Реабилитация марказларида ҳар йили 17,5 мингдан зиёд ногироннинг саломатлиги яхшиланмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги тасарруфидидаги 8 та уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларида ўрта ҳисобда бир йилда 30 мингта яқин пенсионер ва ногирон бепул соғломлаштирилмоқда.

> [2]

«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»



Ў.А. олган сурат.

Мустаҳкам оила баркамол авлоднинг пойдеворидир

Баркамол авлодни тарбиялашда ота-оналарнинг билимини ошириш мақсадида фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» ёшларда оила институтига тўғри муносабатни, мақбул ҳаётий тамойиллар асосида маънавий жиҳатдан соғлом муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

■ Гавҳар АЛИМОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидланганидек: «Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади.

Боланинг характери, табиати ва дунёқарошини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳроқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Дарҳақиқат, жисмонан бақувват, соғлом, интеллектуал салоҳияти юксак, миллатпарвар, оилапарвар, ватанпарвар ёшларни вояга етказишда оиланинг барча имкониятларидан тўла ва ўринли фойдаланишни билиш, самарали механизмларни қўллаш давр тақозосидир. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий тузилмалари бу борада фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келаётир.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Билим, маҳорат ва тажриба кўриги янги босқичга кирди



Н.С. ХАЙДАРОВ олган сурат.

Рўзғори бут, турмуши фаровон, маънавиятли оилалар сони йил сайин ортиб борапти. Бирок арзimas баҳонаю сабаб туйғайли аразлашиб қолган ёш келин-куёвлар ҳам учраб туради.

■ Ўғилрой ЎРОЗОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси.

Улар ота-онаси, қайнона-қайнотаси ёки яқинларига оиласидаги келишмовчилик ҳақида айтишга уялиши мумкин, лекин бу ҳақда ҳеч иккиланмасдан маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисига бемалол мурожаат эта оладилар.

Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Аввало, ёш оила эгалари маслаҳатчининг ширинсуханлиги, ўрни келганда аччиқ, аммо

очик ўғитларига амал қилади. Қолаверса, маслаҳатчилар келин-куёвларнинг аразу гиналарини маҳалла аҳли олдида «дастурхон» қилмайди. Чунки бугун ушбу лавозимда ҳаёт тажрибасига эга, ўзининг намунавий хулқи билан низоли оилаларни муросага келтира оладиган хотин-қизлар фаолият юритишмоқда.

Табиийки, улар сафининг тобора кенгайиб бораётганида ҳар йили аъноавий тарзда ўтказиб келинаётган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунави диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

> [2]

КИТОБ БАЙРАМИ

«Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор»

Матбуот ва ахборот агентлигининг маълумотида кўра, мамлакатимизда 108 та нашриёт, 1750 та матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилган. Республика нашриётлари томонидан ҳар йили икки минг номдан зиёд, умумий адади 40 млн. нусхадан ортиқ турли китоблар чоп этилмоқда.

■ Моҳичеҳра ЛАТИПОВА
«Mahalla»



Аҳолини янгидан-янги асарлар билан таништириш, ёшларда китобхонлик моданиятини шакллантириш муҳим вазифалар сирасидандир. 22-23 май кунлари Гафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат борида «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида ўтказилган аъноавий республика «Китоб байрами» айнан шу мақсадларга қаратилган.

> [4]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Қалбда меҳр бўлмоғи билан

Тошкент вилояти Қибрай тумани Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидagi «Истиқлол» маҳалласида фуқаролар йиғини қошидаги комиссиялар фаолияти намунави йўлга қўйилган. Хусусан, йиғиннинг Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси ишларини кузатиб, «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» шioriнинг амалдаги ифодасига гувоҳ бўлдик.

> [2]

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Машғулотлар самарали бўлмоқда

Наманган вилоятида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари фаолияти намунави йўлга қўйилган.

■ Насриддин САДРИДДИНОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси.

Вилоят ҳокимлигининг бевосита ташкилий чора-тадбирлари натижасида фуқаролар йиғинлари фаолларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курсларини ташкил этишга доир аниқ вазифалар белгиланиб, ҳар ой якунида бу ишларнинг бажарилиши таҳлил этилмоқда. Ўқув-курси директори, методик бўлим бошлиғи ва бош услубчиси лавозимлари

зорий этилди. Машғулотларга 22 нафар амалиётчи мутахассис ва професор-ўқитувчилар масъул этиб белгиланди. Ўқув-курслари учун вилоят халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтидан алоҳида хона ажратилиб, замонавий ўқув кўргазмалари, компьютер воситалари билан таъминланди. Ўзоқ ҳудудлардан келиб ўқийдиганлар учун шу ернинг ўзига ётоқ жойлари ҳозирланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дарсларни замонавий шакл ва усулларда ташкил этиб, илгор пе-

дагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида ўтиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоятдаги жами 881 та фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган 3260 нафар ходим учун малака ошириш режаси ишбало қилинди. Унга асосан 36 соатга мўлжалланган малака ошириш ўқув-курсига профессор-ўқитувчилардан ташқари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви, «Нуроний» жағғармаси вилоят бўлими масъул ходимлари ва бошқа амалиётчилар, ички ишлар, молия, солиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаларининг малакали мутахассислари жалб этилмоқда.

Шунингдек, Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузориқларнинг олдини олиш бошқармаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузориқларнинг профилактикаси тўғрисида», «Диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.

Шу йил 1 апрелдан бошланган машғулотларда ҳозирга қадар 92 нафар фуқаролар йиғини раиси, 86

нафар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, 42 нафар «Маҳалла» хайрия жамоатчилиги тузилмаси раҳбари ва 47 нафар масъул котиб фаол қатнашиб, ўқув-курсларни муваффақиятли битирдилар.

Ўқув-курси якунида тингловчиларга махсус сертификат тантанали равишда топширилиб, фаоллиги ва дарсларни ўзлаштиришда бошқаларга ўрнак бўлган соҳа ходимлари рағбатлантириб боришмоқда. Мухими, ўтган қисқа вақт ичида малака ошириб, фаолиятини давом эттироётган фуқаролар йиғинлари ходимлари олган билимларини амалиётда қўллаб, тизим ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.



«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

Мустаҳкам оила
баркамол авлоднинг
пойдеворидир

< [1]

Ёшларда оила ҳақида тўғри тасаввурни шакллантириш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эгаки, бу йўналишдаги миллий анъаналар ва замонавийликка асосланган тадбирларни ўзвий, ўзаро ўйғун ҳолда олиб бориш лозим. Бунда катта ёшдаги аҳоли, ота-оналар орасида ҳам турли тарбиёт ишларини йўлга қўйиш, уларнинг оилани бошқариш салоҳиятини ошириш долзарб вазифалар сирасидан.

Бундай ўсувдор вазифалар «Ота-оналар университети»нинг «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Республика Маънавият тарбиёт маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигидаги қўшма қарори билан тасдиқланган низомиде батафсил баён этилган.

Низомда мустаҳкамлангандек, жамоатчилик маскани ҳисобланган «Ота-оналар университети»да маҳаллада истиқомат қилаётган ота-оналар, ёш келин-куёвлар, оила қуриш бўйсасида турган ўсмир ва ёшлар иштирокидаги турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра сўхбатлари ва мулоқотлар орқали фуқаролар йиғини ҳудуддаги оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлашга, фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналар малакасини оширишга, уларнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини бойитишга қўмаклашлади.

Университет фаолиятини такомиллаштириш ҳақида гап кетганда, кўплаб омилларни назорда тутиш зарур. Аввало, ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, психологик-педагогик ва физиологик билимларини оширишга қаратилган тадбирларда фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар билан индивидуал тарзда ишлаш талаб этилади. Университет машғулотлари маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар(жиноятчилик, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятлар, нотинч оилалар, гитхандлик, ичкиликбозлик, вояга етмаганларни ота-оналар қарамоғидан маҳрум этиш, вояга етмаган қизларни турмушга бериш кабилар)нинг олдини олишга хизмат қилиши лозим. Қолаверса, оилаларни мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш, фарзанд тарбияси илмини эгаллашда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада соғлом муҳитни таъминлашга қўмаклашиш, маҳалладаги ўқувчи-ёшларнинг давоматини ҳамда бандлигини (спорт машғулотлари ва тўғаракларда иштирок этишлари, кутубхонага аэзо бўлишлари ва

бошқалар) таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга қўмаклашиш ҳам ушбу жамоатчилик масканининг асосий вазифаларидандир.

Университет томонидан режа асосида тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, ҳудудий про-филатика инспектори, йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар аъзоларининг ташаббускорлиги, фаолиги ҳам муҳимдир.

Фуқаролар йиғинида (вакиллар йиғилишида) маҳалла фаоллари орасидан университет зиммасига юклатилган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунадиган, ташаббускор, обрў-эътиборга эга бўлган фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси университет раҳбари этиб сайланади. Раҳбар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. У йилнинг ҳар чорағида тузилма фаолияти ҳақида фуқаролар йиғинига ҳисобот бериши керак.

Таъкидлаш жоизки, университет тизимида ўтказиладиган тадбирларнинг мазмунлари ҳудуддаги мавжуд имкони-ятлардан ва муаммолардан келиб чиқиб белгиланган самарадорликка эришилади. Тадбирлар маҳалла ҳудудиде олиб борилган сўровнома ва статистик маълумотлардан, газета-журналларда ёритилган мақолалардан, намунали оилаларнинг тажрибаси каби ҳаётий мисоллардан фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши назарда тутилди.

Давра сўхбатлари ва мулоқотларни долзарб ҳаётий масалалар юзасидан назарий билим бериш билан бирга, баҳс-мунозаро, эркин фикрла-шиш, савол-жавоб тарзида амалиёт билан ўйғун ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Иштирокчилар оилалар мустаҳкамлиги, яхши қўшничилик муносабатлари, фарзандлар тарбияси, уларни касб-хунарга ўргатиш юзасидан тушунтириш ва тарбиёт ишларини олиб борадилар.

Университетлар ташкил этилгандан бошлаб, уюштирилган тадбирлар юзасидан иштирокчилар ўртасида сўровлар ўтказилиб, уларнинг натижаларига кўра тадбирларнинг қанча-нча маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар(жиноятчилик, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятлар, нотинч оилалар, гитхандлик, ичкиликбозлик, вояга етмаганларни ота-оналар қарамоғидан маҳрум этиш, вояга етмаган қизларни турмушга бериш кабилар)нинг олдини олишга хизмат қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг, айниқса, оила аъзоларининг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда таълим-тарбиянинг янги шакллари ҳамда воситаларини жорий этиш довр тақозосидир. Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида «Ота-оналар университети» фаолиятини изчил олиб бориш лозим. Чунки бундай сай-ҳара-катлар ота-оналарни бола тарбияси илмидан хабардор қилади, соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириб, аҳолининг маърифий, ҳуқуқий, маъна-вий-ахлоқий саводхонлиги ва малака-сини оширишга хизмат қилади.

КИТОБ БАЙРАМИ

«Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор»

< [1]

Ўзбекистон Республикаси Ва- зирлар Маҳкамаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика Маънавият тар- фиёт маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ўзқитоб- совдотаминоти» масъулияти чек- ланган жамияти ҳамкорлигида ўтказилаётган бундай китоб бай- рамлари Қорақалпоғистон Рес- публикаси ва барча вилоят мар- казларида кўтаринки руҳда таш- кил этилди.

Китоб байрами доирасида сўнгги йилларда юртимизнинг етакчи нашриётларида чоп этил- ган 250 дан зиёд мўмтоз адаби- ёт намуналари, энг сара ада- бий-бадий асарлар, маънавий-

маърифий, энциклопедик адаби- ётларнинг тақдирот маросимла- ри, чегирмали китоб савдоси, шунингдек, таниқли адиб ва шо- ирлар, ношир ва матбаачилар билан кенг китобхонларнинг ижо- дий учрашувлари уюштирилди.

— Қадимда китоб босиш тех- никаси ихтиро қилинмаган пайт- габда асарлар қўлда кўчирилиб, бўёқлар ёрдамида безатилган. Бу юмушнинг мураккаблиги са- бабли барча оилаларда ҳам қўлёзма асарлар бўлмаган. Бу- гун эса инсонни улғувчи, маъ- рифатли ва эзгу фазилат соҳиби қилиб тарбиялашга хизмат қилувчи китобларнинг барча ту- рини топиш мумкин, — дейди «Янги аср авлоди» нашриёт-мат- баа маркази улғуржи савдо ме- нежери Азиз Абдураҳмонов. — Тадбирда 254 турдаги адабиёт- лар билан иштирок этяпмиз. «Соғлом бола йили» Давлат дас-

тури доирасида нашриётимиз ҳисобига 5 млрд. сўм ажрати- либ, 100 турдаги дурдона асар- лар чоп этилапти. 20 минг нусха- даги бу китоблар юртимиздаги ўн мингга яқин ўмушталим мак- табларида тарқатилаётгани ўқувчи-ёшлар учун янада кенг им- кониятлар яратмоқда.

Тадбирда нашриётларнинг кўргазмалари стендлари намоиши, «Энг яхши китобхон», «Китобхон оила» каби мавзулардаги интел- лектуал ва лотерея ўйинлари ўтказилиб, қолиблар китоблар билан тақдирланди. Байрамнинг иккинчи куниде «Китоб — мил- латнинг бебаҳо маънавий ва ма- даний мероси» мавзусидаги II ил- мий-амалий анжуман ўтказилди. Таниқли олим, ёзувчи ва шоир- лар, китоб графикаси бўйича рассомлар, мунаққидлар ва бош- қа мутахассислар иштирокидаги анжуманда ўзбек адабиёти, но-



ширлик, матбаачилик ишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, китоб бозори маркетинги ўрга-

нилиб, уларни янада такомил- лаштириш йўл-йўриқлари белги- лаб олинди.



Хурматли юртдошлар!

«Асака» банк (ОАЖ)

қўйидаги миллий ва хорижий валюталардаги
муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

«БАРАКАЛИ»

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ»

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва
бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш,
истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида
таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар
ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

«ШОДИЁНА»

(АҚШ долларига)

Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар
1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1»

(ЕВРОГА)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар
омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 турдаги миллий ва хорижий
валюталарда қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:	Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	Наманган вилоят филиали	369 226-94-75
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	Навоий вилоят филиали	436 223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371 140-39-36	Зарафшон филиали	436 573-18-78
Юнусобод филиали	371 221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365 223-71-94
Сирғали филиали	371 258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366 231-08-86
Андижон вилоят филиали	374 224-40-96	Афросиёб филиали	366 221-77-56
Асака филиали	374 233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375 221-12-93
Фарҳод филиали	374 226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373 224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-59
Марғилон филиали	373 237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362 226-97-78
Олтиариқ филиали	373 432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367 225-44-03
Қўқон филиали	373 552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк (ОАЖ) —
сармоянгизни сақлашни ва қўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.



Террорчилар хуружи

Хитойнинг Синцзян-Уйғур автоном округидаги
Урумчи шаҳрида содир этилган террорчилик ҳара-
кати оқибатида 31 нафар киши ҳалок бўлди.



«Синьхуа» ахборот агент-
лигининг хабарига кўра, порт-
лош натижасида 90 нафардан
зиёд киши жорроҳланган.

Маҳаллий вақт билан
эрталабки соат 8.00 да ик-
кита автомашина шаҳар бо-
зорига кириб келган ва ун-
дан номўлум шахслар порт-
ловчи қурилмаларни чиқа-
риб ташлашган. Тез орада
воқеа жойида кучли ёнғин
келиб чиққан.

Муҳожирлар сони ортмоқда

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти
Германияни муҳожирларни жалб этиши бўйича АҚШ-
дан кейинги ўринда турадиган давлат сифатида қайд
қилган.



Бундан беш йил олдин Гер-
мания 8-ўринини банд эт-
ганди. 2012 йилда мамлакат-
га 400 минг (2011 йилдаги-
дан 38 фоиз кўп) киши кел-

ган. Уларнинг аксарияти меҳ-
нат муҳожирларидир.

Евроиттифок ҳудудидаги
давлатларда яшайдиган му-
ҳожирлардан иш ҳамда яшаш
жойидан рухсатнома талаб
этилмайди. Бу эса иттифок
ичидаги миграция жараёнла-
рини кучайтириб юборган.
Муҳожирларнинг аксарияти
Гарбий ва Шарқий Европа
давлатлари — Польша, Ру-
миния ва Италия ҳиссасига
тўғри келади.

Шунингдек, муҳожирлар-
ни жалб этадиган давлат-
лар бешлигидан Буюк Бри-
тания, Испания ва Канада
ҳам жой олган.

Рақобатга дош беролмай...

Япониянинг «Sony» корпорацияси шахсий компь-
ютерлар ишлаб чиқаришни тўхтатгани учун 2015
йилгача зарар билан ишлайди.



Компания вакилининг қайд
этилиши, мазкур молия
йилида қўтилаётган зарар
миқдори 50 млрд. иен(489
млн. доллар)ни ташкил эта-
ди. 2014 йилнинг мартида ту-
гачан молия йилида эса
«Sony» 125 млрд. иен (қарийб
1,3 млрд. доллар) йўқотган.

Бундан ташқари, «Sony»
«Samsung Electronics» ва «LG»
сингари фирмалар билан
телевизор ишлаб чиқариш
бўйича кучли рақобатга ҳам
дош беролмапти.

Интернет материаллари асосида
Муниса РАҲИМБЕРДИЕВА тайёрлади.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда
0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаро-
лик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими:
199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46,
Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148



24916 нусхада чоп этилди. Буюртма F-3

Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Топширилди — 21.⁰⁰



СЕМИНАР

Ижтимоий ҳимоя аниқ манзилли ва мақсадли бўлмоғи зарур

< [1]

Ушбу рақамлар мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани ҳамда давлатимизнинг иктисодий қудрати тобора юксалиб, аҳоли турмуши фаровонлигининг муттасил таъминланётганини аниқлади.

— Обод турмуш йилида 161,6 минг нафар фуқарога пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар тайинланди, — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Зиёдуллаев. — 2,9 миллиондан ортиқ фуқарога тайинланган пенсия ва нафақа тўловларини молиялаштириш учун, ҳар ойда ўртача 754,6 миллиард сўмдан, жами 9 триллион 55,3 миллиард сўм маблағ сарфланиб, мазкур тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ молиялаштирилиши таъминланди. Жорий йилда ҳам ушбу мақсадларга йўналтирилган хайрли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Давлат бюджетидан мазкур йўналишга ажратилаётган маблағларнинг ўз вақтида тўланиши устидан доимий равишда мониторинг ўтказилмоқда. Натижада аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда жойларда бу борада олиб борилаётган ишларни тартибга солиш мақсадида маҳаллий ҳокимликларга ва ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссияларига ҳар ойда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан тахлилий ҳулосалар юборилапти.



— Бизлар ШОҒИЛАТОВ оғли билан

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Қалбда меҳр булоғи билан

< [1]

Комиссиялар фаолияти самарадорлиги, аввало, ишнинг тўғри ташкил этилиши, бу жараёнда аксар аҳолининг иштироки ҳамда мавжуд муаммолар тўлиқ қамраб олиниши ва ижобий ҳал этилишига боғлиқ. Бугун «Истиқлол» маҳалласи қошида тузилган мазкур комиссия фаолиятида мана шу мезонларга амал қилинмоқда. 15 нафар аъзодан иборат комиссия таркибига турли соҳа вакиллари киритилгани яхши самара берапти.

Маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 13 та оила аҳолидан комиссия аъзолари доимо хабардор. Ўз навбатида, комиссия зиммасидаги устувор йўналишларни ҳам белгилаб олган.

— Маҳалламизда уч минг нафарга яқин аҳоли яшайди, — дейди йигин раиси Комилжон Собиров. — Уларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, айнақса, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар ой аввалида тузилган режа асосида тизимли ишлар қилинмоқда. Бунда Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия фаолларининг тартибли фаолияти катта аҳамият касб этмоқда. Аини пайтда комиссия кам таъминланган, моддий ёрдам

■ Саодат МАХСУМОВА
«Mahalla»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Билим, маҳорат ва тажриба кўриги янги босқичга кирди



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат

< [1]

Чунончи, жорий йилда ҳам маҳалла-ларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш борасида самарали фаолият қўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни аниқлаш, уларнинг илгор иш тажрибалари, эришган ижобий натижаларини оммалаштириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Республика Маънавият тарбия марказининг қўшма қарорига асосан ушбу кўрик-танловнинг туман(шаҳар) босқичлари юқори савияда ташкил этилди.

Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими 2004 йилда жорий этилган бўлса, 2005 йилдан бошлаб «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови ташкил этилди. Утган давр мобайнида кўрик-танловнинг туман, шаҳар, вилоят ва ҳудудий республика босқичлари ўтказилди.

2012-2013 йилларда танловнинг туман, шаҳар босқичларида 1600 нафар, вилоят босқичларида 110 нафар, республика босқичида 50 нафардан зиёд ғолиб бўлган маслаҳатчиларнинг илгор тажрибалари оммалаштирилди. Бу

ҚУЛАЙЛИК

Янги гузар — янги шароит

Термиз шаҳридаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини замонавий бинога кўчиб кирди. Йиғин идорасида фаоллар учун барча қулайликлар мавжуд.

■ Нигина ШОЕВА
«Mahalla»

— Янги гузарда ишлаш бизга масъулият юклайди, — дейди маҳалла раиси Шўҳрат Рамазонов. — Саргарошхона, гўзаллик салони, тикувчилик, тўқувчилик цехлари фаолиятининг йўлга қўйилгани аҳолига қўшимча қулайликлар яратди.

Шунингдек, Шўрчи туманида ҳам «Сауртепа» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

— Соғлом бола йили биз учун қувончли келди, — дейди йиғин раиси Бахтиёр Самодов. — Янги, барча шароитларга эга хонада ишлаш бизни янада фаолликка чорлайди. Барпо этилган хизмат кўрсатиш

шоҳобчалари фаолиятидан маҳалла аҳли мамнун. Маҳалланинг янги биноси нафақат замонавий кўринишга эга, балки компьютер жамланмалари ҳамда мебель жиҳозлари билан ҳам таъминланган. Бу каби бунёдкорлик ишлари фаолият самарадорлигига омил бўлиши шубҳасиз.

ФОНД КЎМАГИДА

Фаолият Намунавий низомга уйғун

Фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган асосий йўналишлар бўйича комиссиялар маҳаллалар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, йиғин зиммасидаги вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда яқин кўмакчи вазифасини ўтамоқда.

■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Мазкур комиссиялар фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қибрай маънавий хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Намунавий низомлар асосида қўшма фаолият юритаётган асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ишини ташкиллаштириш» мавзусида семинар ташкил этилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими Фуқаролик жамияти шаклланишини монито-

ринг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини маси билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирда ФЖШМҚМИ ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда туман бўлини маси вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг асосий йўналишлар бўйича комиссиялар раислари иштирок этди.

— Семинардан кўзланган мақсад, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов, — фуқаролар йиғинлари қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар фаолиятини Намунавий низомлар асосида шакллантиришга қўмаклашиш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозир вилоятимизда 1156 та фуқаролар йиғини фаолият юритаётган бўлса, шундан 15 таси шаҳарча, 152 таси қиш-

АНЖУМАН

Таълим — нажот ва саодат масаласидир

Билим, маънавият ва тафаккур. Бу тушунчалар ҳар доим инсониятни эзгуликка даъват этиб, келажак сари дадил одимлаш, улкан марраларни кўлга қиритишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

■ Т. НИЗОМОВ
«Mahalla»

Айниқса, глобаллашув жараёнлари давом этаётган бугунги кунда жисмонан соғлом, билимли ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, маърифатпарвар олим Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир».

Ушбу фикрлар Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «2013-2014 ўқув йили ақунлари: амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги устувор вазифалар» мавзусидаги матбуот анжуманида алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда истиқбол йилларида таълим тизимининг барча йўналишларида улкан ислохотлар амалга оширилгани, айниқса, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тўйириш миллий дастури соҳани мутолға янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этётгани қайд этилди.

Бугун дунёнинг қўллаб-қувватлашда ўсиб келаётган ёш авлод таълимига тўлиқ қамраб олинмаган, уларнинг аксар қисми фақат бошланғич таълим билан чекланиб қолаётган бир вақтда мамлакатимизда таълим-тарбия, ёшлар келажак учун барча шароитлар яратиб берилмоқда.

— Аини пайтда халқ таълими тизимиди 15729 таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда, — деди Халқ таълими вазирлиги бош бошқарма бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Жорий ўқув йилида 394 та таълим маскани ўқув жиҳозлари, 1920 та мактаб қўшимча жиҳозлар, 1485 та мактаб компьютер техникаси билан таъминланди. 2014 йилда 3024 та умумтаълим мактаби ва 48 та болалар мусика ва санъат мактабини 106,2 миллион сўмлик мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжумлари ва мусиқа асбоблари билан таъминлаш кўзда тутилган. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари чет тили кабинетларини 4193 тўплам техник воситалар ҳамда юқори синф чет тили хоналарини 1500 тўплам компьютер техникаси билан таъминлаш режалаштирилган. Умумий ўрта таълим мактабларида 4 миллион 458

минг нафардан ортиқ ўқувчи 390 минг нафардан зиёд устоз ва мураббий, мактаб-гача таълим масканларида 581 минг нафардан зиёд кичкинтойга қарийб 52 минг нафар педагог таълим-тарбия бермоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда таълим муассасалари ўқувчиларининг давоматини яхшилаш, уларнинг машғулотларига мунтазам қатнашишини таъминлаш мақсадида маҳаллалар томонидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Шунингдек, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ.

2013-2014 ўқув йилида 392 номда 22,5 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, жойларга етказилди. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитиладиган 18 та умумтаълим фани бўйича 38 та умумий ўрта, 28 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканларида компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини таҳриб-б-синав жараёни амалга оширилмоқда.

Анжуманда, шунингдек, таълим сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш, фанлар бўйича илгор тажриба, педагогик технологияларни ўқитувчиларга етказиш мақсадида олий таълим масканлари профессор-ўқитувчилари туман ва шаҳарлардаги мактабларга бириктирилиб, барча фанлар бўйича «Маҳорат мактаблари» фаолияти кенг йўлга қўйилгани айтиб ўтилди.

Ҳозир умумтаълим мактабларининг 9-синфларида 501 минг 564 нафар ўқил-қиз таълим олмақда. Уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш мақсадида 1-9-синф ўқувчиларига оид тўлиқ маълумотлар базаси шакллантирилди. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда болаларнинг келгусида қайси коллеж ёки лицейда таҳсилни давом эттиришини мукаммал ўрганиш мақсадида махсус сўровнома-лар ўтказилди. «Қасблар фестивали», ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даргоҳларида «Оқик эшиқлар кўзи» тадбирларининг ташкил этилиши болаларнинг тўғри касб танлашига қўмаклашишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Матбуот анжумани ниҳоясида оммовий ахборот воситалари вакилларининг саволларига муваффақият томонидан атофлича жавоб қайтарилди.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия раиси Боҳодир Омонов. — Унда аҳолини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия зиммасидаги асосий вазифалар муваффақият томонидан атофлича тушунтирилди. Аини пайтда йиғинимизда 17 та кам таъминланган оила бор. Уларга моддий ёрдам тайинлашда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ҳамда Намунавий низомда белгиланган мезонлар қўл келмоқда.

Тадбир давомида тумандаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар аъзолари ва фуқаролар йиғинлари фаолларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, касбий билим ва кўникмаларини оширишнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундай семинарларни вилоятнинг барча туманларида ташкил этиш кўзда тутилган.

